Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
8 июль
ЧОРШАНБА
№ 54 (12794)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Эътироф





**Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, қалби эзгуликка лиммо-лим кишиларнинг қувончига шерик бўласиз. Қайси соҳани олманг, фидойи, меҳнатсевар замондошларимиз азму шижоати билан гуллаб-яшнамоқда, равнақ топмоқда. Хусусан, Президентимиз жорий йилнинг 30 июнь ва 1 июль кунлари мамлакатимиз жанубидаги олтин дарвоза – Қашқадарё вилоятига қилган сафари чоғида жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди.**

# КЕЧАНИНГ САБОҒИ, БУГУННИНГ ШУКРОНАСИ

"Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Кечаги кунни унутмаслигимиз, уни бугунги кун билан солиштириб, хулоса чиқариб яшашимиз керак. Бу бизни огоҳликка, ҳаётнинг қадрига етишга, эртанги кун бундан ҳам фаровон бўлади, дея ишонч ва интилиш билан ҳаракат қилишга ундайди..." Юртбошимизнинг худди шу сафар мобайнида ўртага ташлаган мана шу фикрлари, айтиш жоизки, бугун кўплаб замондошларимиз қатори меҳнатсевар ва заҳматкаш вилоятимиз аҳлининг ҳам қалбида акс-садо бермоқда, юксак марралар, улуғвор мақсадлар сари руҳлантирмоқда. Бундай кезларда ҳар кимнинг дилидан: "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган савол ўтиши ва унга ҳар ким ўзича жавоб излаб кўриши шубҳасиз.

Чиндан ҳам, буюк неъмат аталмиш Истиқлол иноятлари қарийб 3 миллион кишилик аҳолига эга пойтахт вилоятида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тарихий ривожланиш жараёнлари кечмоқдаки, бу ислоҳотлар пировардида, одамлар турмуш тарзидаги ободлик ва фаровонликнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилаётир.

Масалан, айни пайтда вилоятда иқтисодиётнинг барча тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, табиий шароит ва хом ашё ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, қурилиш, ободонлаштириш борасида эътиборга молик ишлар олиб борилаяпти. Бунда давлатимиз раҳбарининг вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш борасидаги кўламли вазифаларни кўзда тутувчи қарорлари муҳим дастуриламал бўлаётир. Улар вилоятнинг ҳақиқий салоҳиятини намоён этиши, йирик иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантиришни кўзда тутиши, турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи бунёдкорлик ишларини бениҳоя кенгайтиришга катта туртки берганлиги билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Шу асосда машинасозлик, металлургия, қурилиш материаллари, электр техникалар, кимё ва нефть кимё соҳаларида янги қувватлар ташкил этилиб, мавжудлари модернизацияланмоқда. Бундан ташқари, тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали рақобатбардош ноозиқ-овқат, истеъмол товарлари, жумладан, тўқимачилик, тикув, трикотаж, чарм-пойабзал ва фармацевтика маҳсулотларини кенг ассортиментда ишлаб чиқариш бўйича янги ютуқлар қўлга киритилаяпти. Энг муҳими, вилоятнинг олис ва яқин манзиллари бўйлаб бошланган улкан қурилишлар шаҳар ва қишлоқларга юксак ободлик ва фаровонлик бахш этаётир.

– Юртбошимизнинг ҳар бир чиқишларини телевизор орқали кузатиб, кўнглимиз осмон қадар юксалади, шундай юртда яшаётганимиздан фахрланиб кетамиз, – дейди Қибрай тумани "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Васила Маҳмудова. – Айниқса, яқиндагина Қашқадарё вилоятида оддий одамлар билан учрашувда айтган

(Давоми 2-бетда).

Ким эдигу ким бўлдик?

# ҚАЙ БИРИНИ АЙТАЙ, ҚИЗИМ?

**Мактабни тугатиб, лицейга кирган вақтларим эди. Қўлимга Ўткир Ҳошимовнинг "Тушда кечган умрлар" романи тушиб қолди. Ўқиб тугатгач, уйқусизлик касалига учрадим... Афғон урушининг аянчли оқибатлари-ю, асар қаҳрамонлари чеккан азоб-уқубатлар кўз олдимдан сира кетмасди. Қонли тўқнашувлар, жангчиларнинг аямай қирғинбарот қилиниши, Рустамнинг контузияга учраб, чеккан дардлари...**

Тўғри, адибнинг тасвирлаш маҳорати кучлилигини айтиш жоиз. Аммо, бир нарса маълумки, урушнинг яхшиси бўлмайди. У нафақат курраи заминни, балки миллионлаб одамлар қалбини вайрон қилади. Не-не орзу-умидлару яхши ниятларни қабрга тиқади.

Шу ўринда Иккинчи жаҳон уруши сабаб "қорахат" юрагини доғлаган ота-оналар, гулдай умри хазон бўлган келинчаклар, меҳрга тўймаган етимларни эслаш жоиз. Ўшанда урушга юртимиздан 1 миллион 433 минг 230 киши сафарбар этилган. Улардан 263 мингдан зиёди ҳалок бўлган. 132 минг 670 нафари бедарак йўқолган. Қолганлари эса ногирон бўлиб қайтган. Орадан 70 йил ўтишига қарамай, ҳар гал машъум уруш қолдирган асоратларни тинглаганда бугунги кунимиз учун қайта-қайта шукроналар келтирамиз.

– Қизим, ҳаётда тинчлик-хотиржамликдан ўтадигани йўқ, – дейди чинозлик 86 ёшли Мария Шинаева. – Тасаввур қилинг, эрта-ю кеч жон қайғуси, яшаб қолиш илинжи. Тун билан куннинг фарқи йўқ, фақат бир нарса – ота-она ва фарзандлар ҳақида ўйлайсиз.

(Давоми 2-бетда).

Маънавият

# ЁН ҚЎШНИМ – ЖОН ҚЎШНИМ

**Халқда "Ҳовли олма, қўшни ол" деган гап бор. Сўзимизнинг индаллосини шу нақлдан бошлаганимиз бежиз эмас. Бу каби доно фикрларни ифодаловчи ҳикматларимиз шунчалар бисёрки, улар азалдан қадрланиб келади. "Ён қўшни, жон қўшни", "Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши" ёки "Маҳалланг отанг-онанг", "Бир болага етти маҳалла ота-она", "Бир қизга қирқ уйдан тийиқ" ва ҳоказолар.**

Табиатан олижаноб фазилатларга бой халқимизнинг кўпчиликни, айниқса, қўни-қўшни ва маҳаллани ҳурматлаш, эъзозлаш одати ҳамиша ўзгалар ҳавасини келтирган. Айниқса, бошқа мамлакатларда учрамайдиган "Маҳалла" институти тажрибаси ҳозирги кунда дунё аҳлини қизиқтириб қўйгани ҳам бор гап. Ва бу каби эътиборга тушган ўзига хос жиҳатларимиз кам эмас.

Боиси, халқимизнинг ўзидан аввал ўзгаларни ўйлаш, ҳар қандай ишда бошқалар фикри билан ҳисоблашиш, ўзига раво кўрган нарсаларни яқинлари, кўздек қўшниларига ҳам раво кўриш одатлари бор. Шу ўринда қўшнилар ҳақидаги бир-икки воқеани келтиришни жоиз деб билдик. Зеро, хулосаларингиз фақат яхшиликка хизмат қилиши аниқ.

Феруза Фозил акасини эндигина ишга кузатиб, уй йиғиштириш, кир ювишни режалаштириб турганида, эшик тақиллади. Тирқишдан қараса рўпарадаги қўшниси Кифоят опа экан.

(Давоми 3-бетда).

# «ФАХРИЙЛАР» СИҲАТГОҲИ ЧОРЛАЙДИ

**Қибрай туман Байтқўрғон қишлоғида жойлашган фахрийларни соғломлаштириш сиҳатгоҳида, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, катта ҳажмда тубдан таъмирлаш, ободончилик ишлари амалга оширилди.**

Бинонинг эшик-ромлари, пол ва том, хона жиҳозлари замонавийлари билан алмаштирилди. Икки кишилик хоналарда фахрийларнинг кўнгилли дам олиб, даволанишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбарининг Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан имзолаган қатор фармон ва қарорлари, қабул қилинган дастурлари ёши улуғ инсонлар – фахрийларга алоҳида ғамхўрлик ва манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатишга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу ерда амалга оширилган барча ишлар уларнинг амалий ифодасидир.

Даво масканида бир йўла 30 нафар фахрийлар 8-10 кун давомида ўз саломатликларини тиклашади. Сиҳатгоҳда тажрибали шифокор ва ҳамширалар отахон ва онахонларга беминнат хизмат кўрсатишмоқда.

**Умида ИСАЕВА.**

Доимий комиссияларда

# ОЧИҚЛИК – ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни доимий комиссияси раиси Мунира Қориева олиб борди.**

Халқ депутатлари вилоят ҳамда Янгийўл туман Кенгаши депутатлари, ҳокимлик, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мулоқотда доимий комиссия фаолиятининг 2015 йил Иш режасида белгиланган "Давлат ҳокимияти ва бошқарув

(Давоми 2-бетда).





Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

# «ЭСИЗ ГУЛЛАР, ЭСИЗ МАҲАЛЛА...»

«Тошкент ҳақиқати" газетасининг шу йил 27 майдаги 41-сонида чоп этилган «Эсиз гуллар, эсиз маҳалла...» номли мақолада Ўрта Чирчиқ туманидаги айрим маҳаллаларда ноўрин ахлатхоналар пайдо бўлгани ва бу ҳолат туман ҳокимияти ва ДСЭНМнинг масъул шахслари эътиборидан четда қолганлиги танқид қилинганди. Ўрта Чирчиқ тумани прокуратураси томонидан мазкур ҳолат юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширишда мақолада кўрсатилган 2 та маҳалла – «Учқун» ва Бобур маҳаллалари билан туман ободонлаштириш бўлими ўртасида ахлат олиб кетиш юзасидан шартнома имзолангани, бошқа маҳаллаларда бундай шартномалар тузилмаганлиги сабабли ҳудудларда аҳоли томонидан ахлатлар ташланиб кетиш ҳолатлари аниқланди.

Ўрганиш натижасида туман маркази Тўйтепа шаҳрида барча 9 та маҳалла билан ахлат олиб кетиш бўйича шартномалар тузилди, туман ДСЭНМ раҳбари Ф. Холбоев ўзига юклатилган вазифани лозим даражада бажармаганлиги учун, унга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Маҳалла раислари аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ўтказиш юзасидан огоҳлантирилди. Мақолада кўрсатилган «Гузар» ва «Наврўз» маҳаллалари ва бошқа ҳудудлардаги ахлатхоналар туман ободонлаштириш бўлими кучи билан тозаланиб, махсус ахлат тўкиш жойлари ташкил этилди.

**Р. ҚЎЧҚОРОВ,**
**Ўрта Чирчиқ туман прокурори вазифасини бажарувчи, адлия маслаҳатчиси.**

Қарор ва ижро

# «BEST VEGIES» ҒИШТЛАРИ

**Оққўрғон туманидаги "Best Vegies" Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида лой ва кўмир кукуни аралашмасидан тайёрланаётган пишиқ ғиштларга талаб ортиб бормоқда.**

Мамлакатимизда хорижлик сармоядорларнинг самарали фаолият юритиши учун тегишли имтиёз ва имкониятлар яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июлдаги "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Туманда мазкур ҳужжат ижроси юзасидан ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, ўтган икки йилда тиббиёт, саноат ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Натижада аҳолининг бандлик даражаси ва турмуш фаровонлиги янада юксалмоқда.

"Best Vegies" масъулияти чекланган жамиятида лой ва кўмир кукуни аралашмасидан икки хил ҳажмда пишиқ ғишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 250 минг доллар миқдоридаги инвестиция ҳисобига иш бошлаган ушбу корхонада 30 га яқин киши меҳнат қилаётир. Ўтган йили тумандаги қурилиш ва иқтисод касб-ҳунар коллежини тамомлаган Диёр Жумабоев улардан бири.

– Ғишт заводининг иши оғир бўлади, дейишарди. Йўқ, ундай эмас экан. Ҳар ҳолда, "Best Vegies"да бир йил ишлаб шундай тўхтамга келдим, – дейди Д. Жумабоев. – Замонавий технологияларнинг амалиётга кенг татбиқ этилгани ишчиларга қулайлик яратиш билан бирга, жисмоний меҳнат сарфини сезиларли даражада тежар экан. Хуллас, қилаётган ишим ўзимга ҳар томонлама маъқул.



"Best Vegies" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари хориждан маҳсулот тайёрлаш жараёнида кенг қўлланиладиган энг илғор ускуна ва технологик линияларни келтириб ўрнатди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, сифати яхшиланди. Ишчи-хизматчиларга янада яхши қулайликлар яратилди, сарф-харажатлар сезиларли даражада қисқарди.

– Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун яратилган шароит ва берилаётган имтиёзлар туфайли шундай натижаларга эришмоқдамиз, – дейди "Best Vegies" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларидан бири Ху Куинг Жун. – Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми ички бозорда сотилмоқда, бир қисми хорижий давлатларга экспорт қилинаётир. 2014 йилда умумий қиймати 77,2 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Келгусида янги камералар қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш кўзда тутилган. Кейинчалик фаолиятимизни бошқа турдаги қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан кенгайтирмоқчимиз.

Оққўрғон туманида бундай кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

**Б. ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# КЕЧАНИНГ САБОҒИ, БУГУННИНГ ШУКРОНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

гаплари юрак-юрагимизга муҳрланиб қолди. Ҳақиқатдан ҳам, инсон борки, бахтли яшаш учун дунёга келади. Бугун замондошларимиз ҳаётнинг асл маъносини тушуниб етмоқда, дунёқараши ўзгармоқда. Бугунги авлод билан саксонинчи йиллардаги одамлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, деб жуда тўғри айтдилар Президентимиз. Бу гапнинг ҳаётий тасдиғига ўз фаолиятимиз мисолида деярли ҳар куни рўбарў келамиз. Маҳалламиз тобора обод ва фаровон бўлиб бораяпти. Фарзандларимиз энг замонавий илм масканларида сабоқ олаяпти. Одамлар рўзғорида файз бор, барака бор. Тўйлар тўйга уланаяпти. Бахтли яшаш дегани шу эмасми, аслида?

"Яқинда Швейцарияда Жаҳон иқтисодиёт форуми иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон мазкур рейтингда 5-ўринни эгаллади..."

Юртбошимиз мана шу муҳим янгиликни тилга олар экан, халқимизнинг тинимсиз меҳнати, изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли қўлга киритилаётган бундай улкан ютуқлардан ҳар биримиз фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз, дея таъкидлади.

– Корхонамиз Президентимизнинг "2013-2015 йилларда Тошкент вилоятининг саноат потенциалини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори асосида иш бошлади, – дейди Ўрта Чирчиқ туманилик тадбиркор Ҳасан Ҳошимов. – Ҳозирда ишлаб чиқараётган тўқимачилик маҳсулотларимизнинг 90 фоизини экспорт қилаяпмиз. Дастгоҳ ва ускуналаримиз тўла компьютер бошқарув тизими асосида ишлайди. Етмиш нафар ёш учун янги иш жойи ташкил этганмиз. Корхонамизни муттасил кенгайтириб бориш, ишчи-хизматчиларимизнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга алоҳида аҳамият бераяпмиз. Шу мақсадда четдан яна 43 та дастгоҳ келтириш ҳаракатидамиз. Бу йил янги ишлаб чиқариш мажмуаси ҳамда ишчилар учун ошхона қурилишини якунлаймиз.

Ўтган кунларимизни бир эсланг-а. Бозорлар ҳувиллаб қолган, савдо расталарида тақчиллик, узундан-узун навбат кутишлару ур-тўполонлар... Эҳ-ҳе, у пайтларда оддий ҳолатга айланиб қолган бундай қийинчиликларни бугунги ёшлар ҳатто тасаввур ҳам қилиша олмайди. Нега шундай эди? Жавоби аниқ. Чунки, собиқ тузум даврида диёримиз иттифоқнинг пахта етиштириладиган томорқасига айланиб қолганди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, хўжалик ва саноат моллари таъминотида бутунлай марказга қарам эдик. Маълумотларга қараганда, юртимиз мустақил бўлган кезларда давлат омборида одамларни нари борса бир ҳафта-ўн кун боқишга етадиган дон қолган экан, холос. Бугун-чи?





– Бугун ўз донимиз, ўз беминнат нонимизга эгамиз, – дейди Қуйи Чирчиқ туманидаги "Азимов Наимжон барака" фермер хўжалиги раҳбари Наимжон Азимов. – Мамлакатимиз жуда қисқа фурсат ичида ғалла мустақиллигини қўлга киритди. Четдан дон олиб келишга бутунлай барҳам берилди. Эндиликда дон-дун билан ўзимизни бемалол таъминлаш баробарида бир қисмини экспорт қилиш қудратига ҳам эга бўлдик. Бу айтишгагина осон. Истиқлол аталмиш мана шу қутлуғ неъмат туфайли ер ўз эгасини топди, деҳқоннинг топганига барака кирди. Фермерлар эл-юрт хирмонининг бунёдкорига айланишди. Мана, ўзимизнинг хўжалик ҳаётидан қиёс. Хўжалигимизни 2007 йилда 52 гектар экин майдони билан ташкил этганмиз. Ҳозир еримиз 170 гектарга етди. Унда асосан пахта ва ғалла етиштирамиз. Эҳтиёжга яраша 5 гектар боғимиз, яна қарийб шунча сабзавот экинзоримиз бор. Бу йил кўкламги қийинчиликларга қарамай, 84 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирдик. Гектар бошидан 60 центнерга етказиб ҳосил кўтардик. Бу нари-бериси билан 500 тонна дон, дегани. Унинг бир қисми хўжалигимизда меҳнат қилаётган 40 дан зиёд аъзонинг насибаси, албатта. Даромадимиз ҳисобидан кейинги икки йил ичида иккита енгил машина олдик. Хўжалигимиз техник имкониятларини муттасил яхшилаб бораяпмиз. Меҳнаткашларимизнинг кўпчилиги аввалги пайтларда, аниқроғи, колхоз, ширкат шароитларида ҳам ишлаган деҳқонлар. Аммо, бугун уларнинг ишга, ерга муносабати батамом бошқача. Турмуш тарзи, ҳаёти ҳам шунга яраша фаровон. Илоҳим, мана шундай тинч ҳаётимизга кўз тегмасин, халқимиз рўзғоридан қут-барака аримасин.

Албатта, одамлар ҳаётига файз, фаровонлик олиб кираётган ўзгаришлар, ютуқ ва ижобий натижаларимизни санаб адо этиш мушкул. Уларга ҳар куни, ҳар жабҳада, ҳар қадамда рўбарў келаяпмиз. Бир пайтлар иқтисодиёти бир ёқлама ривожланган, қолоқ аграр республика дея аталиб келинган мамлакатимиз бугун юксак иқтисодий салоҳиятга эга давлатга айланди. Булар шубҳасиз, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган "Ўзбек модели"нинг ҳаётбахш самараси, заҳматкаш ва бунёдкор халқимиз жасорати туфайлидир.

**Шуҳрат МУРОДОВ.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**

Ким эдигу ким бўлдик?



# ҚАЙ БИРИНИ АЙТАЙ, ҚИЗИМ?

Болалигим йўл четида отамнинг қайтишини кутиб ўтди. У қайтмади... Эндигина 17 ёшни қаршилаган акам ҳам бедарак кетди... Мактабда 6-синфгача ўқидим, кейин ишлашимга тўғри келди. Колхозда кетмон чопдим. Оғир меҳнат, жудолик азоби, урушнинг жабру ситамлари қаддимни букди.

Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Ёзнинг жазирамаси эди, колхозда ишни тамомлаб уйга келганимда бирдан қаттиқ шамол бошланди. Ён-атрофдаги қўни-қўшни бола-чақаси билан уй-уйига кирди-кетди. Мен эса: "Эй Худо, ишқилиб ёмғир ёғмасин" деб илтижо қилардим. Уйимизнинг томи йўқ эди-да. Жала қуйди, бор-будимиз ёмғирда қолди. Энг ёмони тўшакка михланган онам ҳам жиққа сув бўлди. Шунда отам, акамнинг қадри билинди, ўзимни жуда ожиз ҳис қилдим. Ёмғир менинг ҳолимга йиғларди гўё. Йиғлаб-йиғлаб, тахталар билан уйнинг онам ётган бурчагини ёпгандим ўшанда.

Э, қай бирини айтай қизим, очарчиликними, нон тақсимотиними? Ичимлик суви танқислиги-ю, газ, электр таъминотидаги узилишларними? Шундай оғир кунларда катта бўлганмиз... Ёшликда дардни ҳам, меҳнатни ҳам кўтараркансан...

Мария онанинг отаси ва акаси каби кўплаб инсонларга юртимиздаги тинч-осуда, тўкин-сочин, фаровон ҳаётни кўриш насиб этмади.

Халқимиз Мустақиллик қадрини жуда яхши билади. Бундан 24 йил аввал давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг истиқбол йўлини белгилаб берар экан, "Ишонинглар, Ўзбекистоннинг келажаги албатта буюк бўлади!" деган сўзлари бугун ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида тасдиғини топмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Буни энг аввало одамларнинг қалбида, онгу шуурида намоён бўлаётган меҳр-оқибат, мурувват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар мисолида кўриш мумкин. Зеро, бу халқимизнинг қадриятлари, азалий фазилатлари қайта тикланганидан далолат.

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ истиқлол ғояларини, шунингдек, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни ёшлар қалбига сингдириш мақсадида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Янги-янги таълим муассасалари барпо этилди, мавжудлари қайта реконструкция қилиниб, уларнинг моддий-техник базалари яхшиланди. Ахборот-ресурс марказлари, китоб фондлари бойитилди.

Буларнинг барчаси жамият тараққиётига ҳисса қўшишга қодир, жисмонан ва маънан етук авлодни камолга етказишга қаратилаётган эътибордир.

– Тайинли мактабга бориб, ўқиб-ўрганишга имкон бўлмаган, – гапида давом этади Мария она. – Ўқитувчидан тортиб ўқувчилар ҳам оила тебратиш, рўзғор учун заҳмат чекарди. Бугуннинг ёшларига қараб, орзулигича қолиб кетган нене умид-ниятларимни эслайман. Машҳур актриса бўлишга ҳавасманд эдим. Орзулар рўёби учун на бир имкон, на бир шароит бўлди. Бу орада фарзандлар улғайди, оила ташвишлари билан йиллар ўтганини ҳам пайқамай қолдим.

Дарҳақиқат, Мустақиллик аталмиш буюк неъмат ўзлигимизни англаш, ўзимиз танлаган йўлдан шаҳдам бориш бахтини берди. Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг улган бунёдкорликнинг гувоҳи бўласиз. Чекка-чекка қишлоқларда қад ростлаётган замонавий уй-жойлар, янги-янги таълим даргоҳлари, спорт иншоотлари, мусиқа ва санъат мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасалари киши кўзини қувнатади.

– Онам, умринг узоқ бўлсин, деб дуо қилганча, ҳаётдан ўтдилар. Соғлигинг, тинчлигинг, ғамхўринг бўлмаса, узоқ умрнинг нима кераги бор дея йиғлардим, – кўзи ёшланди Мария онанинг. – Ҳозиргидай фаровон кунларни кўриш насиб этишини билмаганманда. Бу йил Кексаларни эъзозлаш йили эканини эшитганимда, беҳад қувондим. Ёши улуғларни эъзозлаб, ардоқлаётган ўзбек халқи ва Юртбошимиздан миннатдорман. Тўғри, уруш азобларини кўрдим, аммо бахтлиман. Негаки, мен шундай меҳридарё, қалби кенг ўзбеклар орасида яшадим, яшаяпман. Ёруғ кунларга етказганига шукр.

Суҳбатдошимизнинг сўзлари самимий экани унинг юз кўзларида яққол акс этиб турибди...

Дарвоқе, "Тушда кечган умрлар" ҳақида. Шу-шу китобни қайта ўқишга сира журъатим етмайди. Урушнинг китобдаги тасвири шу қадар қўрқинчли бўлса, унинг ўзи нақадар даҳшат... Юртимизнинг бугунги тинчлигига, осойишта турмушимизга, дастурхонимиз тўкин-сочинлигига кўз тегмасин.

**Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

Доимий комиссияларда

# ОЧИҚЛИК – ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Қонуннинг Янгийўл туманидаги ижроси якунлари масаласи юзасидан маъруза тингланди.

Таъкидланганидек, мазкур Қонуннинг мақсад ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, Янгийўл туман ҳокимлигида ҳар ҳафтанинг жума кунлари фуқаролар мурожаати кунлари этиб белгиланган. Ушбу маълумотни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида "Yangiyo'l" газетасида эълон қилиниб, туман ҳокимлиги, диққатни тез жалб қиладиган, кўпчиликнинг кўриши мумкин бўлган махсус жойларга илиб чиқилган. Тумандаги ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасаларга "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг муҳим нормалари қайд этилган плакатлар тарқатилган.

Туман ҳокимлигининг сайтида туман аҳолиси, саноат корхоналари, таълим муассасалари ҳақидаги умумий маълумотлар жойлаштирилган. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг таркибий, ҳудудий бўлинмаларининг иш тартиби, телефон рақамлари, почта манзиллари, раҳбарларнинг қабул кунлари тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Шунингдек, йиғилишда туман ҳокимлигининг Қонун ижроси билан боғлиқ баъзи бир камчиликлари, хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ҳамда қабул қилиниши, фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган тадбирлар мониторинг қилиниши ҳамда доимий равишда комплекс баҳоланиши, ушбу орган раҳбарлари, шунингдек, ваколатли мансабдор шахсларнинг чиқишлари ва баёнотлари ташкил этилмаганига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**

Давра суҳбати

**Ангрен шаҳар маънавият-тарғибот маркази томонидан "2015 йилда диний вазиятни янада соғломлаштириш, конфессиялар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар дастури"га бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

# БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, шаҳар ИИБ бўлими ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатида "Облиқ", "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, ёшлар, тиббиёт бирлашмаси шифокор, ҳамширалари, жоме масжидларининг имом-хатиблари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар аҳолини, айниқса, ёшларни турли ноқонуний диний оқимлардан ҳимоя қилиш, бу борада маҳалла, мактаб ва жамоатчилик олдида турган вазифалар ҳамда ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги бурчи, унинг ҳар қадамидан огоҳ бўлиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу каби тадбирлар шаҳардаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказилмоқда.

**Юлдузхон ФАЗЛИДДИНОВА.**

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиясининг*

*ҚАРОРИ*

2015 йил 3 июль 4-сон

## «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Янгийўл туманидаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил тартибида ўрганиш натижалари якуни тўғрисида

**Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссияси**
**ҚАРОР ҚИЛАДИ**

1. Ишчи гуруҳнинг "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари очиқлиги тўғрисида"ги Қонуннинг Янгийўл туманидаги ижросини назорат-таҳлил фаолияти тартибида ўрганиш натижалари ҳақидаги маълумотномаси ахборот учун қабул қилинсин.

2. Янгийўл туман ҳокимлиги, туман прокуратураси билан биргаликда ушбу Қонуннинг Янгийўл туманида сўзсиз ижро этилишини таъминлаш юзасидан доимий равишда назорат олиб борсин ҳамда мониторинг натижалари асосида тегишли чора-тадбирларни белгиласин.

3. Қонуннинг Янгийўл туманида ижро этилиши ҳолатига оид масала Халқ депутатлари Янгийўл туман кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиб, муҳокама учун тавсия этилсин.

4. Янгийўл тумани ҳокимлиги томонидан вилоят ҳокимлигига уч ой муддат ичида мазкур Қонуннинг 10-, 13-моддалари талабларидан келиб чиқиб, вилоятдаги барча туман ва шаҳар ҳокимликларининг ахборот хизмати фаолияти ҳамда расмий веб-сайтининг сифатини ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва ижросини таъминлаш тавсия этилсин.

5. Янгийўл тумани ҳокимлиги маълумотномада қайд этилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда ушбу Қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида 2015 йилнинг 5 октябрига қадар Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиясига ахборот тақдим этсин.

6. Ушбу қарор кўриб чиқиш учун Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига юборилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш доимий комиссия раиси ўринбосари Е. Аблаева зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Доимий комиссия раиси** **М. ҚОРИЕВА.**

Қарор ва ижро

# ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИ ИСЛОҲ ҚИЛИНМОҚДА

**Давлатимиз иқтисодиётда рақобатбардошликни оширишда энергия ҳажмини қисқартириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.**

**Маълумки, энергия тежамкорлиги ва унинг самарадорлигини ошириш ёқилғи-энергетика ресурслари, айниқса, табиий газни иқтисод қилади. Энергия самарадорлигига эришиш учун инвестициялар киритиш ва қайта тикланувчи энергетика ниҳоятда долзарб ҳисобланади. Чунки, улар энергия харажатларини камайтиради, шунингдек, атмосферага зарарли чиқиндилар чиқариш ҳажмини қисқартиради.**

Экспертлар хулосасига кўра, энергия ресурсларига талаб ошаётган бир пайтда, янги электр ва иссиқлик қувватлари ишлаб чиқарувчи станциялар қуриш 2-5 маротаба фойдалидир. Республикамизда энергия самарадорлигини ошириш имкониятлари анча катта. Йилига 23 миллион тонна нефть эквивалентига тўғри келади. Шунингдек, қайта тикланувчи энергиядан кенг фойдаланиш ҳисоб-китобларига кўра, мамлакат энергия балансидаги улушини 19-23 фоизга етказиш ёқилғи-энергия ресурсларини 2030 йилда 3,3, 2050 йилга бориб эса 5,9 миллион тонна нефть эквивалентига тенг миқдорини иқтисод қилади.

Қуёш электр станцияларини қуриш, анъанавий манбалар билан мослаштириб ишлаб чиқариш орқали 2030 йилгача йилига 1,5 миллиард куб табиий газ иқтисод қилинади ва қўшимча, фақат қуёш энергияси ҳисобига ҳар йили камида 5 миллиард киловатт соат энергия ишлаб чиқарилади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш қувватларини янада модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва фақат энергия самарадорлигини таъминлайдиган ҳамда энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш йўли билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энергия сиғимини камайтириш; ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳамда энергияни тежашга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, халқаро амалиётга мувофиқ корхоналарда энергетик аудитни ўтказиш; қайта тикланадиган энергия манбаларини, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланишнинг синовдан ўтган технологияларини жадал ривожлантириш орқали энергия сиғимларини янада қисқартириш ҳамда тежамкор технологияларни жорий этишга эришиш мақсадида Республика Президентининг "2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда энергия сиғимларини янада қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Вилоятимизда ушбу Қарор ижроси юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Жумладан, вилоят иссиқлик манбаи тизимида мавжуд 143 та марказий ва 47 та маҳаллий турдаги қозонхоналарни реконструкция қилиш ҳамда модернизациялаш бўйича дастур шакллантирилди. Ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими тизимидаги 12 та муассасада 45 та, соғлиқни сақлаш тизимидаги 112 та муассасада 151 та қозонларни янгисига алмаштириш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқилди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси сув хўжалиги корхоналарида 42 та насос ҳамда 111 та электрдвигателларни янгисига алмаштиришни режалаштирди. "Тошкентгазтаъминоти" УК 92 та ғишт заводини муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш зарурлиги бўйича огоҳлантирди. "Вилоят электр тармоқлари" корхонаси ҳам барча юридик ва бюджет корхоналарига энергияни тежовчи светодоидли лампалар ўрнатиш зарурлиги хусусида огоҳлантирувчи хат ва эълонлар берди.

Партиямиз иқтисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш тарафдори. Шу мақсадда ҳамкорлар ёрдамида биогаз қурилмасини ишлаб чиқариш билан бирга уни кенг фойдаланишга таклиф этишда, плакат, буклет, қўлланмалар тайёрлаш, китоблар чиқариш, ҳатто "Ўзэкспомарказда" биогаз моделларини намойиш этиш бўйича тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Шу кунларда муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш бўйича тўпланган катта тажрибага асосланиб, партиянинг депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда партия фаоллари бу борадаги тарғибот кўламини янада кенгайтиришга киришишди. Бунда асосий эътибор, жамоатчиликнинг энергия тежамкорлигига, оид билимини янада мустаҳкамлашга қаратилди.

**Комилжон ШОДИМЕТОВ, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят Кенгаши раиси.**

Маънавият

# ЁН ҚЎШНИМ – ЖОН ҚЎШНИМ

"Оббо, – ўйлади у, – яна ишим қолиб кетадиган бўлди-да... Ё очмай қўя қолсаммикан? Йўғ-э, ҳозир Фозил акамни кузатганимни кўрган бўлса сезиб қолади..."

Аслида Кифоят опа ёмон аёл эмас, "Ён қўшни – жон қўшни" деганларидек, доим хабар олиб туради. Эртаю кеч кўз-қулоқ. Бу яхшику-я, аммо бир кирса, соатлаб ўтириши ёқмайди Ферузага. Лекин қайнона-қайнотаси Кифоятхонни ҳар кўрганда: "Болаларимизни сизга ишониб қўйганмиз, хабар олиб туринг" дейишни қўйишмайди-да...

– Ойижон, Кифоят опани маҳалладагилар ёқтиришмас экан-а? – деди бир куни қайнонасига Феруза. – Роса кўп гапиради-я...

– Э, қизим шу опангизнинг ёшига етганингизда тушуниб оласиз. Кўп билган кўп гапиради-да. Рўзғор ишларини ўргатса оғринманг. Агар билсангиз, сизни доим мақтайди: "Кўчада бекор юрмайди. Гап сотмайди. Пишиқ пухтагина келинингиз", дейди.

Нима бўлди-ю, Кифоят опа бир муддат кўринмай қолди. Кейин билишса, мазаси бўлмай, касалхонага тушиб қолган экан...

– Кифоятхоннинг бори яхши эди, – дейишди қўшнилар. – Доим остоналар ювилган, кўча олди супурилган бўларди. Келинлар ҳам сергакроқ юришарди. Бир куни иккинчи қаватда турадиган келин ўғилчасининг ҳарорати кўтарилиб, тушмаётгани, хўжайини хизмат сафарида эканини айтиб, ёрдам сўради. Кифоятхон дарҳол "Тез ёрдам"ни чақирди, кейинчалик муолажа қиладиган ҳамширани ҳам топиб келди.

Тўғри, беш қўл баравар эмас. Қўшничилик мезонига амал қилмайдиган, меъёрни билмайдиганлар ҳам учраб туради. Улар ўзларини гўё жонкуярдек кўрсатишади-ю, бутун сир-асроринггизни билиб олиб, элга достон қилишади.

– Менинг икки ўғил, бир қизим бор, – деди бир аёл. – Ўғилларим ҳали ёш. Лекин бўйи етиб, кўзга кўриниб қолган қизимнинг келажагини ўйлаб, хавотирда юрардим. Қизгинамнинг тез-тез боши оғриб туриши, дўхтирлардан тайинли бир гап эшитолмай, қийналиб юрган кезларим ён қўшним Дилсорахонга дил ёриб, ҳасрат қилган эдим. У уйимизга кунда-кунора, нонуштами, тушлик ёки кечки овқат пайтими, тўғри кириб келаверар, биз билан овқатланиб, кейин чиқиб кетар эди. Кейинчалик, қизимни укаларим ёрдамида малакали шифокорларга кўрсатиб, даволатдик, тузалиб кетди. Яратганга шукр, уйимиздан совчи аримай қолди. Лекин, бир сўраб келганлар нимагадир қайтиб келмас эди. Кейин билсам, шу кўздек қўшним Дилсорахон: "Қизининг бош оғриғи касали бор", деб гап тарқатган экан...

Лекин яхши одамлар ҳам кўп бу оламда. Улар билан ҳаётимиз мазмунли, кунларимиз файзли. Маҳалламиз маслаҳатчиси Зарофатхон бизни бу маломатдан халос этди...

Ана шунақа, кенгга кенг дунёнинг тилсимлари бисёр.

Вилоятимизнинг исталган шаҳар, туманлари маҳаллаларида шу каби жонкуярлар, кекса кайвонилар кўп. Бу борада Зангиота тумани "Иқбол" маҳалла фуқаролар йиғини диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ёқутхон Мўминова шундай дейди:

– Маҳалламиз одамлари жуда аҳил-иноқ. Яхши-ёмон кунларда, тўю маъракаларда доимо бирга. Ахир айтишади-ку, "Одам одам билан тирик", "Кўпдан чиқсанг ҳам тўпдан чиқма" деб. "Маҳалла" айнан шунинг яхши маънодаги ифодаси. Ҳеч ким маҳалладан, қўни-қўшнидан айро яшолмайди. Юртбошимиз "Маҳалла" институтига алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Аслида Ватан маҳалладан бошланади. Маҳаллани ҳурмат қилган киши Ватанига садоқатли бўлади. Шунингдек, ён қўшнисидан бехабар яшайдиган одамларни комил инсон дея олмаймиз.

Шу маънода бизнинг "Иқбол" маҳалламиз аҳлининг иқболи кулган, истиқболи порлоқ дейиш мумкин. Зеро, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон соҳиби бирор юмуши ёки муаммоси бўлса, аввал маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашади. Ахир камини тўлдириб, йўғини топиб берадиган ҳам маҳалла. Қолаверса, тез-тез уюштириб туриладиган маънавий-маърифий, маданий тадбирлар, турли спорт мусобақалари нафақат оила аъзолари, балки қўни-қўшни ва маҳалладошларни ҳам маънан бирлаштиради.

Демак, ҳар бир оила жамиятнинг бир бўлаги. Вилоятимиздаги 991 та фуқаролар йиғинлари эса уларнинг тинч, осойишта, ҳамжиҳатликда яшашига, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Маҳаллалар қошида тузилган 8 та жамоатчилик комиссияси, айниқса, яраштирув комиссиялари таркибига кирган кайвони онахонлар, намунали оилалар вакиллари, фаол хотин-қизлар қўни-қўшнилар берган холис таъриф, самимий эътироф туфайли тайинлангани ҳам ўзини ўзи бошқариш идоралари, маҳаллаларда олиб борилаётган ишларнинг нечоғлик талаб даражасида эканини кўрсатади. Унинг замирида халқимизнинг маҳалладошлар, қўни-қўшнилар ўртасидаги самимий, дўстона муносабатлар каби бетакрор инсоний фазилатлари борлигини яна бир бор таъкидлаш жоиз.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат бошқаруви академияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг

## АХБОРОТ ХАТИ

## 2015 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзуида II республика илмий-амалий конференцияси ўтказилади.

**Конференциянинг мақсад ва вазифалари:**
Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган ёшлар сиёсатининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш ҳамда ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш механизмларини ҳаётга татбиқ этиш.

**Конференцияда қуйидаги шўъбалар бўйича иш олиб борилади:**

*1-шўъба:*
*"Ўзбекистон ёшлар сиёсати: бугунги ҳолати ва истиқболлари".*

*2-шўъба:*
*"Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш".*

*3-шўъба:*
*"Мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётий позицияси ва мустаҳкам эътиқодга эга бўлган ёш авлодни тарбиялашнинг маънавий-маърифий асослари".*

*4-шўъба:*
*"Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш".*

*5-шўъба:*
*"Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ёшлар спортини ривожлантириш масалалари".*

*6-шўъба:*
*"Баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг роли".*

Анжуманда иштирок этиш учун ташкилий қўмитага мурожаат хати ва конференция материаллари тўпламига илмий мақола тақдим этиш зарур.

Илмий мақолалар – 2015 йилнинг 1 августига қадар қабул қилинади.

Конференция доирасида ташкил этиладиган номинациялар ("Энг яхши илмий асосланган мақола", "Энг яхши хорижий тилдаги мақола", "Энг яхши таклиф" ва бошқалар) бўйича ғолибликни қўлга киритган иштирокчилар планшет, ноутбук ва компьютер билан рағбатлантирилади.

**КОНФЕРЕНЦИЯГА МАТЕРИАЛ ЮБОРИШ МАНЗИЛИ:**
**Тошкент шаҳри, 100011, Навоий кўчаси, 11 уй. Тел:. (998-71) 241-00-50, (9989-98) 809-22-69, факс: (998-71) 241-08-50.**
**Электрон почта: konferensiya2@umail.uz**

Маҳалла гузари

# ОТАХОНЛАРНИНГ ДИЛКУШО МАСКАНИ

**Гузарлар маҳалланинг кўзгуси десак, муболаға бўлмайди. Зотан маҳалла ҳаётидаги энг муҳим воқеалар, маънавий-маърифий тадбирлар айнан шу ерда ўтади. Яна шундай гузарлар борки, хонадонларимиз фариштаси бўлган нуроний отахонларимизнинг дилкушо масканига айланган.**



Ана шундай оромбахш гузарлардан бири Бекобод шаҳридаги "Металлург" маҳалласида барпо этилган. Гузар миллий, ўзбекона тарзда безатилган бўлиб, гўзал кўриниши билан киши кўнглини қувнатади. Ҳовлига ўндан ортиқ сўрилар ўрнатилган. Мўъжазгина ҳовуз атрофида эса фавворалар ўйнаб туради.

Бир тарафда чойхона, новвойхона, бир тарафда маиший хизмат шахобчалари, сартарошхона, этикдўзлик, касаначилик цехи, бир тарафда отахонлар дам олиб ҳордиқ чиқарадиган мўъжазгина дам олиш хоналари. Улар доим маҳалла аҳли билан гавжум.

– Маҳалламиз жуда аҳил ва иноқ, – дейди 86 ёшли фахрий педагок Мадамин Зокиров. – Қандай юмуш бўлмасин, гузарга чиқиб маслаҳатлашилади. Кўпни кўрган отахонларнинг берган маслаҳатлари ҳамиша асқотади. Ҳамжихатлик маҳалла аҳлининг азалий одати.

Дарвоқе, гузар шунчаки кўнгилочар маскани бўлиб қолмай, балки ўзига хос тарғибот маркази ҳамдир. Айниқса, огохликка чорловчи, маънавий-маърифий мавзудаги тадбирлар кўпчиликни қизиқтиради. "Табиатни асрайлик", "Теварак-атрофга бефарқ бўлманг!", "Обод маҳаллам" мавзуидаги ранг-баранг суҳбатлар, семинарлар шулар жумласидандир.

Маҳалла гузарида ажойиб бир анъана бор. Бу ерда отахонларимиз ёшлар билан шахмат-шашкада беллашадилар.

– Биз, кексаларга яратилаётган шарт-шароитдан беҳад миннатдормиз, – дейди ёши саксонни қоралаган фахрий металлург Раббим Нуржаев. – Гузарда мириқиб ҳордиқ чиқаришимиз учун ҳамма нарса етарли.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, маҳалла билан "Ўзметкомбинат" маъмурияти ҳудудни ободонлаштириш борасида ҳамкорлик қилади. Зеро, шундай обод ва кўркам гузарнинг барпо этилишида комбинатнинг ҳиссаси катта.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

Семинар

# ННТ ВА ОАВ ҲАМКОРЛИГИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан журналистлар учун семинар-тренинг ташкил этилди.**

"Давлат сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда ОАВ ва ННТларнинг салоҳиятини ошириш масалалари" мавзуида ўтган семинарда республика ва ҳудудий босма нашрларда фаолият юритаётган журналистлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши вакиллари иштирок этди.

Семинар-тренингни ўтказишдан кўзланган мақсад, соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини журналистларга етказишдир. Унда "Ўзбекистон фуқаролик жамияти институтлари ва ННТларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари", "Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар жараёнида ННТнинг роли ва ўрни", "Давлат ташкилотлари билан ННТларнинг социал иқтисодий дастурларини амалга оширишда ижтимоий шериклик принципларидан фойдаланиш" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Сўз олганлар фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда ОАВдан самарали фойдаланиш, ННТ ва ОАВ соҳаларини ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятида самарадорликни ошириш масалаларига тўхталдилар. Шунингдек, жамоатчилик назоратини ўрнатишда ННТ ва ОАВларнинг ҳамкорлиги, ижтимоий шерикликни кучайтириш хусусида сўз борди.

Тадбир якунида журналистларнинг саволларига соҳа мутахассислари атрофлича жавоб бердилар.

**Ирода НОРБОЕВА.**

# ЧЎЛЛАНИШ – БУ КУННИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОСИ

**Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежида Умумжаҳон чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш кунига бағишланган "Чўлланишга қарши курашиш – экотизим барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили" мавзуида семинар ўтказилди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмаси, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва Қибрай тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаоллари, шу соҳага тегишли туман ташкилотлари вакиллари, фермерлар, коллеж ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, чўлланиш масаласи Ўзбекистон учун ҳам долзарб муаммо. Оролнинг қуриган ҳудудидан туз ва бошқа минерал моддаларнинг шамол орқали тарқалиши ҳамда сув тақчиллиги оқибатида чўлланиш даражаси ортиб бормоқда. Расмий маълумотларга кўра, 22 миллион гектар ер чўлланишга мойил ҳудуд ҳисобланса, мавжуд яйловларнинг 43 фоизи амалда чўлланиб бўлди.

Шулар эътиборга олиниб тадбирда ер деградациясининг олдини олишга оид чоралар самарадорлигини ошириш, саноатни ривожлантиришда экологик мувозанатни ҳисобга олиш, ер ресурсларини бошқариш бўйича халқаро лойиҳалар кўламини кенгайтириш, юқори малакали тупроқшунос кадрларни тайёрлашга оид маърузалар тингланди. Семинар давомида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ёш олимларининг соҳага оид ишларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг изланиш натижаларини оммалаштириш ва кенг тарғиб этиш, "Таълим-фан-ишлаб чиқариш" интеграциясини чуқурлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарда мавзу юзасидан истиқболдаги вазифаларга тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Алишер НАРИМОНОВ,**
**Қибрай агротижорат касб-ҳунар коллежи маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари.**

Танлов

# МОСКВАДАН ДИПЛОМ БИЛАН

**Янгийўл туманидаги 74-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабининг бир гуруҳ ўқувчилари Москвада ўтган "Grand Moscow festival" халқаро танловида Шаҳбозбек Эргашев чанг, Санжар Нормуҳаммедов қашқар рубоби ҳамда Анора Полякова фортепьянодаги ижролари билан эътирофга сазовор бўлишди.**

Улар устозлари Сайдулла Кабиров, Нодира Усмонова, Зуҳра Ҳасанбоевадан олган билим ва маҳоратларини намойиш этиб, III ўринни эгаллашди ва ҳакамлар ҳайъати томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Анора Полякова, шунингдек, миллий рақс номинацияси бўйича ҳам диплом ва сертификат соҳибаси бўлди.

**Саиджон КАБИРОВ.**

Огоҳлик

# ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

**Бобомнинг айтишларича, уруш вақт, макон, замон танламайди. Унда гўдак ҳам, аёл ҳам бирдек хўрланади. Миллионлаб оилалар ўз яқинларидан жудо бўлиб, бир умрга уруш қолдирган тана ва қалб жароҳатлари билан яшашга маҳкум бўладилар. Мамлакат халқ хўжалиги, бошқарув, иқтисод, сиёсат издан чиқади. Бузғунчилик, вайронкорлик, ўзгалар ҳаётини, шу билан бирга, ўзи ва оиласини жар ёқасига олиб келишга сабаб бўладиган мудҳиш ҳодисалар инсонни огоҳликка даъват этади.**

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгандан сўнг диёримизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураяпти. Барча соҳаларда ривожланиш юз бераяпти. Бироқ, тинчлигимизни кўролмайдиган нопок кимсалар ҳам йўқ эмас орамизда. Улар ўз манфаатлари йўлида дунёнинг турли бурчакларида уруш оловини ёқишга, тинч яшаётган халқнинг қалбига даҳшат солишга ҳаракат қилишаётгани ҳеч кимга сир эмас. Қўшни давлатларда содир бўлаётган хунрезликлар эса бугун ҳаммамизни бирдек ташвишга солиши шубҳасиз. Шундай экан, Ўзбекистонимизни асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Бугунги эркин, обод, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етайлик.

**Гулнозахон ТЎРАЕВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

«101» огоҳлантиради

# БЕХАВОТИР ЯШАШГА НЕ ЕТСИН!

**Ёнғин келиб чиқишининг асосий сабаби – лоқайдлик. Масалан, болаларнинг гугурт ва олов ўйнашлари оқибатида ёнғин келиб чиқиши мумкин.**

Хонадонларда электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир нечта электр асбобларини улаш жуда хавфли. Дазмол ва иситиш мосламаларини қаровсиз қолдириш ярамайди. Уларни ёнмайдиган материалдан тайёрланган махсус тагликка қўйиш лозим. Ошхонада ёғни доғ қилаётиб, назоратсиз қолдириш аянчли оқибатларга сабаб бўлади.

Тандирхона ва ошхоналар одатда, очиқ жойда бўлгани маъқул. Уй томларида ҳар хил ёнувчи буюмлар, иккиламчи уй-рўзғор жиҳозларини сақлаб бўлмайди. Табиий газни резина шланглар орқали улаш хатарли. Айниқса, тунда газни ёқиб қўйиш ярамайди. Чунки босим ортиб, бахтсиз ҳодиса содир бўлиши мумкин.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига тўла амал қилсак, хавф-хатардан ҳоли бўламиз.

**Элмурод БЕКМИРЗАЕВ,**
**ЁХБ 12-ХЁХО 24-ХЁХК кичик инспектори.**

ЭЪЛОНЛАР

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган; Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорлари асосида, Бошланғич нархи - 1 432 503 000 сўм бўлган, "LIFTMONTAJSOZLASH" МЧЖга қарашли бўлган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 6-кварталда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 1,385 кв.м., ҳужжатли қурилма 498,0 кв.м., ҳужжатсиз қурилмалар 887,0 кв.м.ни ташкил қилади, яъни Блок-А Омборхона-цех биноси, Блок-Б қўшимча қурилма (ҳужжатсиз), Блок-В навес, Блок-В1 навес, Блок-В2 навес, Блок-Г қайта қурилган бино (ҳужжатсиз), Блок-Д ҳожатхона ҳамда 8 дона вагон домик, 1 дона Козловой кран, 1 дона Двухбалочный кранлардан иборат бўлган "Бошқарма ҳудуди" мулкий мажмуаси қўйилмоқда; Аукцион савдоси 2015 йил 11 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400 тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига расмий бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

**Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2015 йил 3 июлдаги 28-сонли Баённомаси қарори билан:**

Ўзбекистон Республикасининг "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 22-моддасига асосан,

1.1. "CHIRCHIQ OMAD SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар ва шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган "АТ" серияли, 000784 ва 000926-рақамли лицензияларнинг амал қилиш муддати 2015 йил 4 июлдан 10 (ўн) иш кунига тўхтатилди.

"MINIMAX ACTION" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "MINIMAX ACTION" оилавий корхонасига ўзгаришини ҳамда корхонанинг устав жамғармаси 1 528 355 572,58 сўмдан 1 221 981 000 сўмга камайишини маълум қилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Б. Азизова кўчаси, 7-уй.

УП "UGAM OROMGOHI" преобразуется в ООО "UGAM OROMGOHI" (на основании решения ООО "NEFTGAZDEPOZIT" от 29.06.2015 г.). Кредиторы УП "UGAM OROMGOHI" вправе потребовать прекращения или досрочного исполнения обязательства и возмещения убытков путем направления предприятию письменного уведомления в срок не позднее 30 дней с даты направления кредитору письменного уведомления о реорганизации.

Аввал Ҳамза тумани ҳокимининг 28.04.2003 йилдаги 664-сонли қарорига асосан ҳамда Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 09.09.2014 йилда № 005270-07 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Яшнобод тумани, Қурувчилар кўчаси, 7-уйда жойлашган "SAMANDARBEK ILXOMI" (ИНН 303043498) МЧЖ тугатилади (13.02.2015 йилдаги 1-сонли баённомага асосан). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида (+99890) 968-17-51 телефон рақами орқали қабул қилинади.

СП ООО "MUSAFFO ZILOL SERVIS" преобразовывается в ООО "MUSAFFO ZILOL SERVIS" и сообщает об уменьшении уставного фонда с 1 629 432,65 (один миллион шестьсот двадцать девять тысяч четыреста тридцать два) долларов США 65 центов до 13 600 000 (тринадцать миллионов шестьсот тысяч) сум.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими бошқаруви Қуйи Чирчиқ тумани "Эркин сўз" газетаси муҳаррири Малоҳат Рисбоевага падари бузруквори **ПАРПИЖОН отанинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Шундайлар бор бўлсин

# НУРЛИ МАНЗИЛЛАР САРИ

Хонага кирарканман, ёш қизчаларнинг эгилиш, букилиш, оёқ учида юриш каби нозик машқларини бинойидек бажараётгани устидан чиқдим. Маҳорати билан бошқалардан ажралиб турган 8 ёшлардаги қизчага мурожаат этдим:

– Исминг нима, келажакда ким бўлмоқчисан?

– Исмим Гулбаҳор, 2-синфда ўқийман. Албатта, бадиий гимнастикачи бўламан. Ниятим Ўзбекистон ва Осиё чемпиони бўлиш.

– Бирорта танловда иштирок этганмисан?

– Албатта. 2012 йилда ёш бадиий гимнастикачилар ўртасида бўлиб ўтган мусобақанинг вилоят босқичида иштирок этдим. Бундан ташқари, 2013 йилда бўлиб ўтган "Баҳор маликаси" танловида 1-ўринни эгаллардим. Ўтган йил Янгийўл босқичида "Ҳоким кубоги"ни олишга муваффақ бўлдим.

– Ў-ҳў, кичкина бўлсангда, шунча танловда ғолиб бўлибсан, неча ёшдан шуғулланасан?

– Уч ёшимдан шуғулланаман. Спортга қизиқишимни кўрган онам биз учун шу тўгаракни очганини билмайсизми?

– Йўқ, билмасдим. Энди онажонинг билан суҳбатлашаман, майлими?

Жажжи Гулбаҳорнинг елкасига қоқарканман, Янгийўл шаҳри марказида спортнинг бокс, каратэ ва бадиий гимнастика йўналишлари бўйича тўгарак очган Мавжуда Бобоқуловага юзландим.

– Фарзандларимнинг интилиш ва ҳаракатларига эътибор қаратиб, спорт тўгаракларига бердим. Кўп ўтмай уларга эътиборни кучайтириш, ёшларни соғлом вояга етишларига ҳисса қўшиш мақсадида спорт тўгарагини очишга аҳд қилдим, – дейди М. Бобоқулова. – Айни дамда 80 га яқин ўғил-қизлар тўгаракка қатнамоқда. Улардан 18 таси кам таъминланган оила фарзандлари бўлгани боис, машғулотлар бепул. Машғулотларни олий маълумотли спорт усталари олиб борадилар. Бундан ташқари, бир оиладан икки ёки учта бола қатнаса, уларга 30 фоизли чегирма белгиланган.

Собиқ Ангрен педагогика институтининг "Инглиз тили" йўналишини тугаллаб, 6-умумтаълим мактабида фаолият бошлаган Мавжуданинг тикувчиликка бўлган қобилияти эса тадбиркорликка йўл очди. 2009 йилда 4 та тикув машинаси олиб, "Баҳор" МЧЖни очди. Аҳолидан буюртмалар олиб, аёллар кийим-кечаклари, курткаларини тикишни йўлга қўйди. Қисқа муддат ичида тикув машиналари сони 50 тага етказилди ва уйда ўтирган чевар аёллар ишга жалб қилиниб, касаначилик асосида 45 та янги ишчи ўринлари яратилди. Ҳозирги кунда тикув машиналари уйларга тарқатилиб, касаначилик йўли билан буюртмалар асосида аҳолига маиший хизмат кўрсатилмоқда.

М. Бобоқулова 2011 йилда тадбиркорлик йўналиши бўйича бўлиб ўтган кўрик-танловнинг республика босқичида "Йилнинг намунали ёш тадбиркори" номинацияси ғолиби бўлди. Айни пайтда Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг, Янгийўл тумани бўлими ижрочи директори, "Баҳор" МЧЖ раҳбари сифатида фаолият юритиб келмоқда.

У тумандаги 1767 нафар кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш ва уларга ҳомийларни жалб этишда фаол аёллардан саналади. Бунга туман Қизил Ярим ой жамияти томонидан "Хайр-эҳсон декадаси"нинг ташкил этилгани ва 26 нафар ёлғиз қарияларнинг бепул кўрпа-тўшак, ногиронлик аравачалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлангани яққол мисолдир.

Ҳаётни севганни, ҳаёт суяди. Суюкли бўлиш эса бахт. Демак, ҳали ёш раҳбарнинг ёруғ келажакка етакловчи нурли манзиллар олдинда...

**Марям АҲМЕДОВА.**

Болалар ёзи – 2015



# БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

**Болаларнинг ёзги таътилни мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун вилоятимиз шаҳар ва туманларида бир қатор ихтисослаштирилган кундузги оромгоҳлар фаолият юритмоқда.**

Қибрай туманидаги 17-умумтаълим мактабида ташкил этилган "Нилуфар" кундузги соғломлаштириш оромгоҳида юздан ортиқ ўқувчи мароқли ҳордиқ чиқармоқда.

Оромгоҳда болаларнинг дам олиб, билимини бойитиши ҳамда спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Тажрибали тарбиячи ва етакчилар, тўгарак раҳбарлари, болалар шифокори, ҳамшира ва кутубхоначилар бу борада уларга ёрдам бермоқда.

Бу ерда болаларнинг истеъдодини рағбатлантириш, ўз устида ишлаш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ташкил этилаётган "Биз – буюк юрт фарзандларимиз", "Спорт – соғлик гарови", "Эртаклар оламига саёҳат", "Қувноқ стартлар" сингари тадбирлар, турли спорт мусобақалари ва лойиҳалар уларда катта таассурот қолдирмоқда. Айниқса, мактаб маъмуриятининг ташаббуси билан тумандаги тарихий жойлар ва зиёратгоҳларга ҳамда табиат қўйнига уюштирилаётган саёҳатлар ўқувчиларнинг бўш вақтини сермазмун ўтказиш билан бирга юртимиз ҳақидаги тасаввурларини бойитишга хизмат қилмоқда.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

Кўзгудаги ўзимиз

# «ЭҲСОН» ДАСТУРХОНИ



Пискентлик қадрдонимизнинг 35 ёшлардаги укаси оламдан ўтибди. Жаноза кеч соат олтида ўқилиши ҳақида тушдан кейин хабар топдик. Узоқ йўл, барибир жанозага улгуролмаймиз деб, икки оғайним билан эртасига барвақт боришга келишдик.

Қадрдонимизнинг уйи катта йўлдан юз метрча ичкарида. Шу юз метр кўчанинг икки бети тўла одам. Қўл қовуштириб турганларнинг: "Бу томонга чиқинг" деган имолари билан ичкарига қадам қўйдик.

Уй гўё қаср. Кенг ҳовлидаги катта сўрида салла ўраган уламолару мўйсафидлар ўтиришибди. Қуйига эса худди мажлислар залидагидек, 5-6 қатор ҳашамдор стуллар териб қўйилган. Одамлар ўтириб, дуо-фотиҳа қилиб, туриб кетишмоқда.

Марҳум заводлардан бирида амалдор эди. Беш-олти оғайнилари билан январнинг совуқ кунларида дам олиш учун тоққа чиқишибди. Улфатчилик, маишат авжига чиқиб, 3-4 кун қолиб кетишибди. Омонбойни қаттиқ йўтал тутиб, уйига келгач ҳам тўхтамабди. Шифокорлар касалликни тўлиқ аниқлаб улгурмай, уч кун ичида адои тамом бўлиб, бандаликни бажо келтирибди.

Хуллас, таъзия билдириб, қайтаётганимизда қўлимизга таклифнома тутқазишди. У қора ҳошия ичида "Ўтганларнинг охиратлари обод бўлсин!" жумласи билан бошланиб, пойтахтдаги фалон тўйхонада ёзиладиган эҳсон дастурхонига таклиф этилган эдик.

Айтилган куни "Эҳсон дастурхони"га бордик. Тўйхона серсавлат, пўрим кийинган ёшу қари билан тўла. Дастурхоннинг тўлалигини айтмайсизми: бодомдан тортиб туршаккача, лимондан тортиб хурмогача, шарбатдан тортиб "Кока-кола"гача, патиру сомса, беш-олти хил салату ширинликлар, хуллас, стол эгилай дейди.

Ҳамроҳим ўзини бироз ўнғайсиз сезган ҳолда секин қулоғимга шивирлади:

– Шу эҳсон дастурхонимими? Мабодо бошқа жойга келиб қолмадикми?

Мен нима дейишни билмай турганимда яна бир ҳамроҳим :

– Фақат карнай-сурнай билан Гулсанам ёки Озодбек етишмаяптида, бир йўла базм қуриб, чақчақлашиб кетардик...

Маъракадан қайтар эканмиз, ҳамроҳларимдан бири бундай "эҳсон"да олдин ҳам бўлганини айтиб:

– Таниш, аммо жуда эриш манзара – деди у. – Ўзига тўқ, бойвачча одамларни тўйғазиш эҳсонга ўтармикан? Менимча, эҳсон дегани мискин, бева-бечораларга хайр-саховат кўрсатиш бўлса керак.

– Ўша эҳсон дастурхонига кетган харажат касалхона ёки меҳрибонлик уйларига сарфланса, савоби марҳумга ҳар куни бориб турмасмиди? – деди иккинчи дўстим.

– Тўғри айтасиз. Мана, шифохонамизнинг иситиш тизими ишдан чиққан. Қишда электр энергиясининг тез-тез узилиб туриши эса шифохонага муқобил электр манбалари ўрнатишни талаб қилаяпти. Эҳсон шундай юмушларга қилинса, савоби беқиёс бўларди...

Хуллас, биров у деди, биров бу деди. Кела-келгунимизча, эҳсон хусусидаги суҳбатимиз давом этди. "Эҳсон дастурхони" каби маъракаларда маҳалла раислари ва фаолларининг ўрни сезилмаётганига афсусландик. Нима бўлганда ҳам марҳум хотирасига аталган тадбирлар камтарона, камхарж ўтгани маъқул.

**Карим МАВЛОН.**

**ЭЪЛОН**

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "MAX HAAH PRO" (ИНН 301610664) МЧЖнинг устав жамғармаси 28 000 000 сўмдан 20 000 000 сўмга камайишини маълум қилади. Телефон: (+99894) 697-85-65, 280-51-91.

Шунақаси ҳам бўлади

# БИР ТУШ КАРОМАТИ



Тоғ этагидаги чангалзорни оралаб ўтгунча, қора терга ботиб кетдим. Урина-урина, ниҳоят тўлиб-тошиб оқаётган сой бўйига чиқдим. Рўпарадаги баланд қояга кўзим тушди-ю, титраб кетдим: унинг қоқ белида қора-ола сигиримиз нўхтасига осилиб турарди. Туёқлари билан қояга тирмашиб, ҳар лопиллаганида, нўхтанинг ички тасмаси сирғалиб, даҳанини қисиб борарди. Қайиш арқон таранглашиб, у ер-бу ерида тўқималар чирт-чирт узиларди.

Шу пайт қоя чўққисига кўз ташладим-у, ҳайратдан қотиб қолдим: дадам оёқларини чўққига тираганларича, арқонни зўр бериб тортиб турардилар...

Сапчиб уйғондим. Майкачан оғилхонага югурдим. Сигир кўзларини юмганича, кавш қайтариб ётарди. Ёнида бузоғи.

Орада икки-уч ҳафта ўтди. Бир куни ярим тунда бузоқнинг бетоқат маърашидан уйғониб кетиб, молхонага чопдим. Сигир жойида йўқ, бузоқ типирчилаб, маърарди.

Ечилиб кетгандирда, деб боғни гир айланиб чиқдим. Йўқ! Ҳовлига тушдим-у, анграйиб қолдим – дарвоза ланг очиқ эди. Кўчага чиқдим, тоқзорга ўтадиган йўлларни айландим. Ҳеч қаерда йўқ!

Кенжа ўғил Ҳомиджон билан маслаҳатлашиб, милициянинг участка бўлимига бордик. Навбатчи гапларимни диққат билан эшитди-да, ўрнидан шаҳдам туриб, ёнида ўтирган шеригига:

– Мен воқеа жойини кўриб келаман, – деди. – Дарҳол барча постларга қўнғироқ қилинг, қора-ола сигир етаклаган одам борки, ушлаб туришсин.

– Бугун фақат Янгийўлда мол бозори бўлади, – деди тунги навбатчи. – Бир бориб кўринглар.

Милиция капитани тўғри оғилхонага кирди-ю:

– И-е, арқон кесилганку! – деди. – Кўрмабсизларда.

Ҳали оғилхонада сигирни кўрмаганимда, шошиб қолиб, ичкарига кирмаганимни эсладим.

Милиция капитани кўчага чиқиб, дарвоза атрофини фонарь билан ёритиб, кўра бошлади. Газ қувурини кўтариб турган темир устуннинг икки ёни оёқ кийими сирғалишидан қорайиб кетган, йўлкага оҳак кукунлари сочилган экан.

– Ўғрилар икки киши бўлган, – деди капитан. – Ёшроғи шу устунга тирмашиб томга чиққан. Агар эринмасаларинг ҳозироқ Янгийўл мол бозорига боринглар. Биз барча постларда кузатувни кучайтирамиз.

Тун ярмидан ўтганида йўлга тушдик. Гузардан ўтаётганимизда магазин қоровулидан сўрадим:

– Мол етаклаганлар ўтмадими мабодо?

– Бу ердан-ку, ўтмади, аммо яқинда паст кўчадан мўраган овоз эшитилди. Ҳайрон бўлувдим-а, ярим тунда молини кўчада қолдирган ким экан деб.

Тошкент – Самарқанд бетон йўлидаги дўкон қоровулидан суриштирдик. Ҳозирча мол етаклаган одамлар ҳам, мол ортилган машина ҳам ўтмабди.

Мол бозорига олиб борувчи кўчада зоғ ҳам йўқ. Бозор дарвозасига яқинлашдик. Бу ерда ҳам сокинлик. Соат учларга бориб, қўй ҳайдаган, қорамол етаклаган бозорчилар ўта бошлади. Бир зумда бозор гавжумлашиб кетди. Мол ортиб келган ҳайдовчиларни гапга солдик.

– Тўхта-чи, – деди йигитлардан бири Ҳомиджонга, – Ҳайдар аканинг ўғлимисан? Ана, машинамда бир сигир турипти. Қара-чи?

Машинага чиққан Ҳомиджон бақириб юборди:

– Дада! Бизнинг сигир! Мана, қайиш арқон ҳам кесилган.

– Бўрижар бўйида бир ёш жувон тўхтатди, – деди ҳайдовчи. – Ёнида бир бола ҳам бор эди. Сигирни машинага чиқариб, боғлайман десам, арқони калта, кесик. Ҳали машинани тўхтатсам, кабинадан шоша-пиша тушди-ю: "Ичкаридан таниш даллолни чақириб чиқаман", деб боласини эргаштирганича югуриб кетди. Машина чироғида сизларни кўриб қолган шекилли...

– Ҳомиджон, – дедим ўғлимга, – энди сен уйга қайт. Хавотир олиб ўтиришмасин. Сигирни шу ҳайдовчининг ўзи уйга олиб бориб беради. Ҳа, дарвоқе, сигир топилганини милиция бўлимига хабар қилиб қўй. Яна, капитанга раҳмат дегин.

– Сиз кабинада ўтириб туринг, Ҳайдар ака, – деди таниш ҳайдовчи. – Жувон бадар кетди. Ҳализамон бозор тарқайди. Қишлоғимиздан мол олгани келганлар кутиб туринг дейишганди.

Кабинага ўтириб олдим. Танамга илиқлик югурган сари хаёлларим чувалашиб борарди: "Жиян... Жиян... Наҳотки?!"

...Ёз кунларининг бирида сигир-бузоқни етаклаб, даладан барвақтроқ қайтдим. Ҳовлидаги каравотда узоқ қариндошимизнинг қизи ўтирган экан. Ёнида ўн-ўн икки ёшлардаги ўғли. Саломлашиб, молларни оғилхонага олиб ўтдим. Шундан сўнг бу жувон хонадонимизга серқатнов бўлиб қолди. Оиласи бузилиб, бир ўғли билан яшаркан. Атрофдаги деҳқонлардан картошка ва сабзавотларни улгуржи олиб сотаман, дерди.

Кейинчалик, милиция капитани газ қувури устуни ёнидаги изларни кўриб, ўғрилардан бири шу қувурга тирмашиб, ошхона томига чиққани, ундан дераза орқали болхонага ўтиб, нарвондан ҳовлига тушиб, эшикни очгани ҳақида гапирганида ўша куни "меҳмон" ёдимга тушганди...

***

Сигирни етаклаб кириб, оғилхонага боғладим. Чой устида тунов кунги тушимни гапириб бердим. Болалар қизиқиб тинглашди.

– Яъни, бордию нўхта тасмаси даҳанидан сирғалиб чиқиб, сигиримиз сойга қулаб тушганида..., – деди ўғлим.

– Ҳа, уни тополмасдик, – деб қўйдим.

– Демак, молимизни марҳум бувам сақлаб қолибдилар-да, – хулоса ясади Ҳомиджон.

– Шундай. Бузоқнинг жонсарак маъраши ҳам.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ.**

# ФОТОГРАФИК КЎРГАЗМА

**Тошкент фотосуратлар уйида ижодий фото мактаб-студияси битирувчиларининг кўргазмаси очилди. Экспозицияда 15 ўқувчининг портрет, манзара, натюрморт, репортаж каби жанрларда олинган 270 дан ортиқ фотосуратлари намойиш қилинди.**



Уларда юртимиз табиатининг гўзал манзаралари, тарихий ёдгорликлар, турмуш тарзи, бугунги ёшларимиз кайфияти акс этган. Улар орасидаги "Чорвоқ", "Нанай", "Ҳожикент", "Нанай йўлида" (Равшан Султонов), "Ғазалкент", "Ғазалкент йўли" (Александр Страутин), "Ангрен шаҳридан чиқиб..." (Алижон Махмудов), "Чимён" (Нигина Назарова), "Кўҳна шаҳар деворлари қадимги ўлка", Сочилган лолақизғалдоқлар – менинг Ватаним" (Мария Кузнецова) фотографик тасвирларда вилоятимизнинг киши кўзини қувнатувчи сўлим табиати акс этган.

Битирувчиларнинг кўпчилиги учун бу кўргазма ўзига хос илк ижодий намойиш бўлиб, унда ўқувчиларнинг маҳорати, ҳис-туйғулари, билим ва ғояларининг ифодасини кўриш мумкин.

Кўргазманинг очилишида битирувчиларга сертификатлар топширилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

Рассом хандаси



Бу – қизиқ

## *Стелла мукофоти*

Стелла (The TRUE Stella Awards) ҳар йили АҚШдаги энг бемаъни суд қарорларига бериладиган мукофотдир. Бу мукофот 1992 йилда Макдоналдс ресторанларидан бирида ўзига қаҳва тўкиб юбориб, шундан сўнг ресторанни судга берган Стелла Либек номи билан аталган. Ўшанда суд кампиршога 2,9 миллион доллар миқдорида товон пули тўлашга ҳукм чиқарган. Мукофот мақсадларидан бири уйдирма воқеаларни ҳақиқатда содир бўлган ҳодисалардан ажратишдир.

## *Ғаройиб тасодиф*

Канада ва америкаликлар антиқа маълумотга дуч келдилар. Унга кўра, Канада аҳолисининг 5 фоизи ўз юрти мадҳиясининг бошидаги беш сўзини билмас экан. Бироқ, Америка мадҳиясининг бошидаги тўққизта сўзни Канаданинг шунча фоиз аҳолиси билар экан. Америкаликларнинг ҳам 7 фоизи ўз мадҳиясининг биринчи тўққизта сўзини билмади, лекин шунча фоиз аҳолиси Канада мадҳиясининг бошидаги етти сўзни билади.

*Интернет хабарлари асосида тайёрланди.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Ирода НОРБОЕВА
Навбатчи Нозима АРСЛОНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-3351. Адади 8491. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.40.